

## МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВГА ОИД МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Юлдашев Анвар Эргашевич**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, “Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

**Шодмонов Бахтиёр Абдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилиши, норматив-ҳуқуқий асослари, ушбу фаолиятнинг сиёсий, тарихий жиҳатлари бўйича ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан бажарилган илмий ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг етарлича ўрганилмаган айрим жиҳатлари хусусида таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** давлат ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий вакиллик органлари, маҳаллий ижро органлари, Халқ депутатлари Кенгашлари, ҳоким, сессия, депутат.

## АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ

**Юлдашев Анвар Эргашевич**

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, профессор кафедры “Информационно-коммуникационные технологии в управлении”, доктор исторических наук

**Шодмонов Бахтиёр Абдуллаевич**

Докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

## АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются научные работы узбекских исследователей о структуре органов местной государственной власти, правовых основах, политических и исторических аспектах данной деятельности. Также сделаны выводы даны предложения по отдельным недостаточно изученным аспекты деятельности местных органов государственной власть.

**Ключевые слова:** государственная власть, местные органы государственной власти, местные представительные органы, местные исполнительные органы, Советы народных депутатов, хаким, сессия, депутат.

## ANALYSIS OF NATIONAL STUDIES OF LOCAL GOVERNMENT

### Yuldashev Anvar Ergashevich

DSc (in History), Professor of the Department of Information and communication technologies in management of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

### Shodmonov Bakhtiyor Abdullaevich

base doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

## ABSTRACT

The article analyzes the scientific works of Uzbek researchers on the structure of local government bodies, legal frameworks, political and historical aspects of this activity. The authors made suggestions and conclusions about the insufficiently studied aspects of the activities of local government bodies.

**Keywords:** state power, local government bodies, local representative bodies, local executive bodies, Councils of People's Deputies, khokim, session, deputy.

Самарали давлат бошқарувини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳамияти катта. Давлат сиёсатининг жойларда қандай даражада амалга оширилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қанчалик самарадорлик билан фаолият олиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 2 ва 3-мақсадларида Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш каби вазифалар қўйилган [1]. Ана

шу мақсадларни амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” ва “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида” қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб халқ муҳокамасига қўйилди [2].

Юртбошимиз Шавкат Миромоновичнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида ҳам 2023 йилдаги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларига тўхталиб ўтар эканлар, биринчи йўналиш сифатида ихчам ва самарали давлат бошқарувига ўтиш таклифини билдирган эдилар [3].

Ундан ташқари, Тараққиёт стратегиясининг биринчи 12 та мақсади “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” эканлиги белгилаб қўйилган [4].

Давлат бошқарувида маҳаллий давлат ҳокимиятларининг ўрни хусусида мамлакатимизда ва хорижда жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистонда маҳаллий миқёсда давлат ҳокимияти органларининг ташкил қилиниши давлат ҳокимияти ташкил қилишдаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқа мамлакатларда маҳаллий миқёсда маҳаллий бошқарув органлари ташкил қилиниб, уларда “давлат ҳокимияти” атамаси ишлатилмайди [5]. Шу сабабли ушбу мақолада биз фақат ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига доир илмий ишларини таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилганмиз.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилиши, норматив-ҳуқуқий асослари, мазкур фаолиятнинг сиёсий, тарихий жиҳатлари бўйича мамлакатимизда амалга оширилган тадқиқот ишларини соҳавий нуқтаи назардан тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юридик фанлар соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар
2. Тарих фанлари соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар
3. Сиёсий фанлар соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар
4. Иқтисодиёт фанлари соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тузилиши, норматив-ҳуқуқий асослари бўйича юридик фанлар соҳасида амалга оширилган тадқиқотларга А.Хусанов, Б.Жўраев, Г.Маликова, Й.Жумаев, А.Дадашева, Г.Исмаилова, Д.Бекчанов, Қ.Умидуллаев, З.Исраилова ва А.Бабаджанов каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти бўйича мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб тадқиқот олиб борган олим А.Хусанов юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида янги ташкил этилган маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг ўзаро муносабатлари, шунингдек, маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари, мазкур жараёндаги айрим мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, уларнинг ечимларини кўрсатиб ўтган [6].

Жумладан, А.Хусановнинг фикрига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102 моддаси [7] ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 1 моддасида [8] ҳокимларнинг вакиллик ва ижро ҳокимиятини бошқариши кўрсатилган. Шу боис баъзи муаллифлар вакиллик ҳокимиятини ҳам, ижро ҳокимиятини ҳам ҳокимларга тааллуқли деб ҳисоблайди. Аслида бундай эмас, биринчидан, “бошқаради” деган сўз ҳокимиятга эгалликни билдирмайди, ҳокимиятга эгаллик қилмай туриб ҳам уни бошқариш мумкин. Ҳокимлар вакиллик органи учун мажбурий бўлган ҳеч қандай ваколатга эга эмаслиги бунинг далилидир. Аксинча, ҳокимлар вакиллик ҳокимияти олдида ҳисобдордирлар [9]. Ундан ташқари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 1 моддасида ҳокимлар тегишли ҳудуднинг олий мансабдор шахси деб таъкидланиши тўғри эмас. Олий мансабдор шахс давлат, республика мансабдор шахсларига ишлатилиши мумкин. Маҳаллий миқёсда “олий” сўзининг ишлатилиши нотўғри ва муболағадек туюлади” [10].

Мазкур диссертациясида А.Хусанов “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижро ҳокимияти органлари мансабдорларининг ўз Кенгашларида депутат бўлиши Кенгашларнинг ижро органлари фаолияти устидан назоратини сусайтиради. Шахсни ўзи ҳисоб берувчи органга ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи билан аъзо бўлиб кириши мантиқан тўғри эмас. Шу жумладан, Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиясига ҳокимларнинг раҳбарлик қилиши ҳам ҳокимиятнинг бўлиниши принципи талабларига тўғри келмайди. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш, сессияга раҳбарлик қилувчи лавозим жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳаётий тажрибадан маълумки, раислик қилувчи имконияти борича ўзига маъқул ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Ҳоким сессияга раҳбарлик қилгач, у аввало ижро органлари манфаатига мос ҳужжатлар қабул қилинишига ҳаракат қилади. Шунинг учун сессияга ҳолис кишининг раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир” [11], деган таклифларни киритган. Профессор А.Хусановнинг ушбу фикрлари деярли ўттиз йил олдин айтилганига қарамай бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Тадқиқотчи Б.Жўраев ўз илмий ишида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вужудга келиш ва шаклланиш жараёнлари, қонун ҳамда амалиёт ўртасидаги муносабатлар ва номутаносибликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш фаолиятида суд ва прокуратура органлари билан муносабатлари масалаларига эътибор қаратган [12].

Б.Жўраев “маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилини жорий қилиш учун ҳокимларнинг вакиллик органлари фаолиятида иштирок этишини кўриб чиқиш зарурга ўхшайди”, деб ёзади. “Ҳозир сессия чақириш, унинг кун тартибини белгилаш, сессияга раҳбарлик қилиш ҳоким ваколатига тегишли. Шу ишларни амалга ошириш учун жамоатчилик асосида Олий мажлис Кенгашига ўхшаш маҳаллий Кенгашларнинг ҳайъатини тузиш (доимий комиссия раисларидан иборат) ва уларнинг фаолиятига ёрдам берувчи техник хизмат бўлинмасини ҳоким девони ҳисобидан ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳоким вакиллик органларининг ишини ташкил қилишда раҳбар сифатида иштирок этмаса, унинг фаолияти устидан вакиллик органларининг назорати реал воқеага айланади. Ундан ташқари, шундай тузилма вакиллик органларида тузилса, депутатлар дахлсизлиги масаласини сессия оралиғида ҳоким эмас, вакиллик органининг ҳайъати ҳал қилади ва бу депутатни ҳокимга тобеълигидан ҳоли қилади, ҳамда демократия тамойилларига мос тушади” [13], деб ҳисоблайди. Мазкур диссертация 1999 йилда ёзилганлигини ҳисобга олсак, унда изох этилган ғояларнинг аксарияти хануз долзарблигини йўқотмаган.

Шунга ўхшаш фикрлар Й.Жумаевнинг 2004 йил ҳимояга олиб чиқилган “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолати” номли номзодлик диссертациясида ҳам илгари сурилган [14]. Й.Жумаев ўз тадқиқотида “вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ва маҳаллий вакиллик органлари ваколатларини ажратиш, марказий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини аста-секин маҳаллий бошқарув органларига бериш (номарказлаштириш) лозим” деган таклифларини билдирган. Ундан ташқари, тадқиқотчининг фикрича, “барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ваколатлари ва функциялари умумий тарзда ва қонуннинг битта моддасида берилган. Лекин, реал ҳаётда ҳокимиятни амалга оширишда уларнинг ўринлари турличадир. Масалан, туман ва шаҳар ҳокимлари ишлаб чиқаришга, корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилади, ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита ҳуқуқий муносабатлар ўрнатади. Вилоят ҳокимлари эса улар билан туман ва шаҳар ҳокимлари воситасида муносабат ўрнатади. Шундан келиб чиқиб, жаҳон тажрибасида бўлганидек, ҳар учала даражадаги ҳокимлар ваколатлари ва функциялари қонунларда алоҳида-алоҳида кўрсатилиши лозим” [15].

А.Дадашева ўзининг “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши” мавзусидаги юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига оид ҳуқуқий асосларни, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ўзаро алоқасини, маҳаллий вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш жараёнлари каби масалаларни таҳлил қилган [16].

Хусусан, А.Дадашевнинг таъкидлашича, “жамият ҳаётининг барча жабҳалари либераллашгани сари, бир томондан, вазирликларнинг ҳудудий бўлинмалари ва иккинчи томондан, ҳокимиятлар ўртасида бошқарув юзасидан вазифалар аниқ тақсимотининг йўқлиги давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ишида ноаниқликлар, номаълумлик ва ишлашда қайтаришларнинг сабабига айланмоқда” [17]. Тадқиқотчининг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ҳам ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг йўл харитасида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш” деб номланган 3 мақсади доирасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қаторида маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари (бўлинмалари) билан ўзаро муносабатларининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, ҳокимликлар ва маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар турларини аниқлаштириш [18] каби ишлар белгилаб қўйилган.

Г.Маликова [19] ва Г.Исмаилова [20] ларнинг тадқиқот ишларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлар масаласи кўтарилган.

Жумладан, Г.Маликова маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳатлари ва ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлар хусусида изланиш олиб борган.

Давлат ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш хусусида тадқиқотчи “давлатнинг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда ўтказиладиган давлатнинг муайян ваколатларини ягона рўйхат сифатида қабул қилиб бўлмайди. Қонун чиқарувчилар ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла бўйича алоҳида-алоҳида имкониятлар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда давлатнинг муайян



ваколатларини ўтказишни қонуний даражага кўтариши лозим” деб ҳисоблайди. Ундан ташқари, “Давлатнинг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг умумий принциплари тўғрисида” махсус қонун ишлаб чиқишни таклиф қилади [21].

Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти билан турли соҳаларда амалга оширадиган вазифалари кўламига алоқадор ваколатлари Г.Исмаилованинг илмий ишида ўрганиб чиқилган. Булар, маҳаллий Кенгашлар ишини такомиллаштириш, мақсадли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, жамоатчилик назорати, номарказлаштириш муносабатларидан тортиб, оилавий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро иштирокига доир масалалар. Шу жумладан, тадқиқотчи “Давлат бошқарувини номарказлаштириш” давлат дастурини ишлаб чиқишни таклиф ҳам қилган [22].

Тадқиқотчи Д.Бекчанов маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласини Ўзбекистон ва Япония мисолида қиёсий таҳлил қилиб берган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудларда инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш борасида қатор таклифлар ишлаб чиққан [23].

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид аниқ ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан “саноат зоналари”ни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ ваколатларини кенгайтириш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларида “Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” махсус комиссиясини тузиш ва иқтисодий ночор шаҳар ва туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун марказий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришга оид таклифлари эътиборга молик [24].

Қ.Умидуллаев ва З.Исраилова Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш хусусида тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқотчи Қ.Умидуллаев “Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари” номли илмий ишида Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини, мазкур соҳада фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича хорижий мамлакатлар

тажрибаси, бу борада юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашнинг истиқболларини таҳлил қилган [25].

Шу асосида давлат бошқарувининг ҳар бир объектига нисбатан самарадорлик мезонларини белгилаб олиш, жаҳон тажрибаси давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш билан шуғулланувчи алоҳида “Баҳолаш маркази” ташкил этиш, баҳоланаётган орган билан бир вақтда, унда фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларнинг фаолияти натижадорлигини ҳам баҳолаш, ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг раҳбар ва ходимлари фаолиятини аниқ мезон ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш борасида таклифлар билдирган [26].

З.Исраилова ўз тадқиқотида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизими, баҳолаш усуллари ва мезонларини, мазкур фаолият юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини ва Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилган [27].

Тадқиқотчи, маҳаллий Кенгашларнинг жойлардаги ҳамжамият олдида йиллик ҳисобот тизимини татбиқ этиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва олдинги чақирув депутатлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблайди. У “Маҳаллий Кенгаш депутати одоб-ахлоқи кодекси”ни қабул қилиш, депутатларнинг фуқаролар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш, яъни қайта алоқани таъминлаш зарур деган таклифлар ҳам билдирган [28].

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари тадқиқотчи А.Бабаджановнинг илмий ишида таҳлил қилинган [29].

Унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланишида сиёсий партиялар иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, мазкур соҳада хорижий мамлакатлар тажрибаси, Кенгашлар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ўрганилган.

А.Бабаджанов, маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг маълум бир қисмини, вилоят даражасида фаолият кўрсатаётган маҳаллий депутатларнинг ярмини, туман даражасидаги вакиллик органида фаолият кўрсатаётган депутатларнинг учдан бир қисмини доимий асосда фаолият кўрсатиши зарур деб ҳисоблайди. Шунингдек, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик



мақомини бекор қилиш, маҳаллий вакиллик органларига сайланиш учун номзод кўрсатиш ҳуқуқини фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши кераклиги ҳақида қатор таклифларни илгари сурган [30].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилиши тарихи ва фаолияти бўйича тарих фанлари соҳасида амалга оширилган тадқиқотларга Н.Дехкановнинг “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси” номли илмий ишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин [31].

Мазкур номзодлик ишида тадқиқотчи Ўзбекистонда вакиллик органларини шакллантириш тарихини, мустақиллик йилларида уларнинг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришдаги ўрнини таҳлил қилишга ҳаракат қилган.

Шу билан бирга, Н.Дехкановнинг “маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳокимлар фаолиятини халқ депутатлари Кенгашлари ва депутатлар томонидан назорат қилишни кучайтириш мақсадида Кенгашнинг раҳбари ва ҳоким вазифаларини бажаришни алоҳида шахсларга топшириш лозим” [32], деган таклифи аввалроқ А.Хусанов, Б.Жўраев каби тадқиқотчилар томонидан билдирилган эди.

Мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти бўйича сиёсий фанлар соҳасида М.Тўрақулов, Ф.Жўрақулов ва Ҳ.Жўрабекова каби тадқиқотчилар илмий ишлар олиб борганлиги аниқланди.

М.Тўрақулов тадқиқотида фуқаролик жамиятининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрни ва роли масаласини Ўзбекистон Республикаси мисолида таҳлил қилиб берган [33].

Тадқиқотчининг фикрича, “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳамияти жуда катта, чунки, айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари турли ҳудудларда давлат ҳокимиятининг ифодачиси сифатида фаолият кўрсатиб, улар фуқаролар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишнинг турли каналларига эгадирлар” [34].

Ундан ташқари, тадқиқотчи маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини эркинлаштириш зарурутига тўхталиб, “Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини эркинлаштиришнинг энг муҳим кўриниши бу – марказий ҳокимият органларининг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат ташкилотларига ўтказилишидан иборат” [35] деб ёзади.

Тадқиқотчи Ф.Жўрақулов [36] ўзининг “Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш” деб

номланган тадқиқотида фуқаролик жамиятини қуриш йўлида асосий диққат эътиборни номарказлаштиришга, давлат органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш зарур деб ҳисоблайди.

Ф.Жўракуловнинг фикрича, “давлат органлари ўз ваколатларини биринкетин ўзини ўзи бошқариш органларига берар экан, бу билан фуқаролар учун қулай ва тезда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни аниқ бажарилишининг назорати назарда тутилиши лозим. Айрим вазифалар ва ваколатларни тегишли тузилмаларга топширмай туриб давлат ўзининг энг муҳим вазифаларини тўла бажара олмаслигини, бошқа кам аҳамиятли ишлар билан банд бўлиб қолишини жаҳон тажрибаси тасдиқлаб берганлигини эътиборга олсак, ўз зиммасига ҳаддан ташқари кўп вазифаларни олган давлат олдида ҳар хил муаммолар домий равишда кўндаланг бўлиши ўз исботини топган” [37].

Юқоридаги фикрлар асосида тадқиқотчи, марказий давлат органларининг айрим вазифа ва ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич ўтказиш орқали давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга эришиш, “электрон ҳукумат” ва “электрон парламент”ни шакллантириш ва такомиллаштириш каби таклифлар ишлаб чиққан [38].

Тадқиқотчи Ҳ.Жўрабекова ўзининг “Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёни (хорижий ва миллий тажрибалар қиёсий таҳлили)” деб номланган илмий ишида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларда маҳаллий ижроия ҳокимият органларини номарказлаштириш тажрибаси ва жараёниларининг дастлабки натижалари ва истиқболларини таҳлил қилиб берган [39].

Тадқиқотчининг фикрига кўра, номарказлаштириш асосан бошқарув иерархиясининг қуйи бўғинларига кўпроқ мустақиллик бериш билан боғлиқ ҳолда давлат бошқаруви структурасига жиддий ўзгартиришлар киритишни тақозо этадики, бундан кўзланган асосий мақсад – бу маҳаллий муаммолар ва масалаларнинг ҳал этилишида маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли манфаатларини янада мукамалроқ инобатга олиш ва пировард натижада халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилади [40].

Ҳ.Жўрабекова илмий ишида берилган таклиф ва тавсиялардан маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарув ва давлат хизмати кўрсатиш масалаларига доир қарорларни қабул қилишга доир ваколатларнинг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига ва нодавлат нотижорат ташкилотларга ўтказиш таклифига қўшилмаган бўлардик. “Маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарув ва

давлат хизмати кўрсатиш масалаларига доир қарорларни қабул қилишга доир ваколатларнинг бир қисмини” ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш фикрига қўшилиш мумкин, лекин нодавлат нотижорат ташкилотларга “ҳокимиятнинг бошқарув ва қарорлар қабул қилишга доир ваколатларининг бир қисмини” ўтказиш нечоғлик тўғри бўлади?

Тадқиқотчининг вилоят ҳокимлиги билан туман ва шаҳар ҳокимликлари ўзаро муносабатларидаги мувозанатни таъминлаш, улар ваколатларини бири-бирини такрорлашига барҳам бериш, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро маъмурий муносабатларга доир ваколатларни ва вазифаларни ҳуқуқий давлат талаблари асосида қайтадан тақсимлаш, маҳаллий ҳокимият органларининг бошқарувдаги мустақиллигини ошириб бориш каби таклифларини бугунги кундаги долзарб масалалар деб ҳисоблашимиз мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти бўйича иқтисодий фанлар соҳасида амалга оширилган тадқиқотларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходими А.Холовнинг илмий ишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

А.Холов илмий ишида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг илмий-назарий асосларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг институционал жиҳатларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг механизмини такомиллаштириш йўллари таҳлил қилган [41].

Тадқиқотчининг хулосаларига кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари бошқарувида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг самарали усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, вужудга келган муаммони марказдан туриб эмас, балки жойларда асосли ҳал қилиш, муаммонинг вужудга келишини чуқур ўрганиш лозим. Ундан ташқари, бошқарув қарорлари қабул қилишда эришилган натижани уни қабул қилишдан олдин тахмин қилинган натижа билан таққослаш зарур. Бу юзага келган камчиликлар кейинги қабул қилинадиган қарорларда такрорланмаслигининг олдини олади.

Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи, бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиш, бошқарув қарорлари қабул қилишнинг “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидаги “эксперт-таҳлил гуруҳ”лари фаолиятини такомиллаштириш орқали ҳокимиятлар ҳузурида “ақлий марказлар” ташкил қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида” Низом ва “Қарорлар қабул қилиш жараёни шаффофлиги тўғрисида” қонун қабул қилиш каби таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан [42].

Юқорида кўриб чиқилган тадқиқотлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, маҳаллий ҳокимият органларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий асослари (А.Хусанов, Б.Жўраев, Й.Жумаев, А.Дадашева, Н.Дехканов), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавсизлигини таъминлаш фаолияти (Б.Жўраев), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (Г.Маликова, А.Хусанов, Б.Жўраев, Г.Исмаилова, Д.Бекчанов, М.Тўрақулов, Ф.Жўрақулов, Ҳ.Жўрабекова), Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари (Г.Исмаилова), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (Д.Бекчанов), Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари (Қ.Умидуллаев), Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш (З.Исраилова), Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси (Н.Дехканов), Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш (А.Холов), Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакиллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли (М.Тўрақулов, Ф.Жўрақулов), Номарказлаштириш масалалари ((марказий давлат органларининг айрим вазифа ва ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич ўтказиш) А.Хусанов, Б.Жўраев, Г.Маликова, Г.Исмаилова, М.Тўрақулов ва Ф.Жўрақулов, Ҳ.Жўрабекова) ўзбек тадқиқотчилари томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилган.

Лекин, маҳаллий давлат ҳокимияти тармоқлари орасидаги ўзаро муносабатларининг сиёсий механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари (бўлинмалари) билан ўзаро муносабатларининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, ҳокимликлар ва маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар турларини аниқлаштириш каби масалалар ҳали етарлича ўрганилмаган.

Ушбу шароитда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро органларининг фаолиятини, уларнинг ўзаро муносабатларини, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари (бўлинмалари) билан ўзаро

муносабатларини ва аниқ сиёсий механизмларини ишлаб чиқиш борасида тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
2. Қонун лойиҳалари  
[https://regulation.gov.uz/oz/document/index?GlobalSearch%5Bdiscussing\\_status\\_id%5D=4&page=5](https://regulation.gov.uz/oz/document/index?GlobalSearch%5Bdiscussing_status_id%5D=4&page=5)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
5. Турғунов О, Асадов Ш, Бекчанов Д, Ғайбуллаев О. Маҳаллий бошқарув. Дарслик. – Т.: Vaktria press, 2017. – Б. 19.
6. Хусанов.А.Т. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ТДЮУ, 1995. – 263 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.01.2023 й., 03/23/815/0044-сон.
9. Хусанов.А.Т. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ТДЮУ, 1995. – Б. 86.
10. Ўша ерда. – Б. 86.
11. Ўша ерда. – Б. 256.
12. Жўраев Б. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавсизлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий, ташкилий масалалар. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 1999. – 130 б.
13. Ўша ерда. – Б. 117.
14. Жумаев Й. Ғ. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолати. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2004. – 184 б.



15. Ўша ерда. – Б. 133.
16. Дадашева А. А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ЎЗМУ, 2008. – 169 б.
17. Ўша ерда. – Б. 157.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
19. Маликова Г.Р. Маҳаллий Давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар). Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2003. – 183 б.
20. Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг далаат-ҳуқуқий йўналишлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2016. – 256 б.
21. Маликова Г.Р. Маҳаллий Давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар). Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2003. – Б. 129.
22. Исмаилова Г. С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг далаат-ҳуқуқий йўналишлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2016. – Б. 246.
23. Бекчанов Д. М. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тамонидан тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон ва Япония мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2019. – 167 б.
24. Ўша ерда. – Б. 149.
25. Умидуллаев Қ. У. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2019. – 173 б.
26. Ўша ерда. – Б. 154.
27. Исраилова З. С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2020. – 198 б.
28. Ўша ерда. – Б. 139.



29. Бабаджанов А. Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ТДЮУ, 2020. – 134 б.
30. Ўша ерда. – Б. 103.
31. Дехканов Н. Б. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси (1995-2010 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Наманган, НамДУ, 2012. – 173 б.
32. Ўша ерда. – Б. 155.
33. Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2006. – 145 б.
34. Ўша ерда. – Б. 122.
35. Ўша ерда. – Б. 122.
36. Жўрақулов Ф. Н. Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ЎзМУ, 2018. – 264 б.
37. Ўша ерда. – Б. 238.
38. Ўша ерда. – Б. 238.
39. Жўрабекова Ҳ. Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёни (хорижий ва миллий тажрибалар қиёсий таҳлили). Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, АДУ, 2019. – 178 б.
40. Ўша ерда. – Б. 141.
41. Холов А. Х. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизминини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ДБА, 2018. – 184 б.
42. Ўша ерда. – Б. 160.